



«БУЮК ЮРТ ТАРИХИГА НАЗАР СОЛИБ»

Нышанова Назокат Махмуджановна

*Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани
«Жылған жап» маҳалласи ёшлар етакчиси*

Аннотация: «Қорақалпоқлар»нинг келиб чиқиш тарихи, қорақалпоқ сўзининг маъноси ҳақида қисқача малумотлар берилган бўлиб, ушбу мақолада қорақалпоқлар истиқомат қилувчи Кегейли тумани ва ундаги овул, маҳалла номларининг қўйилиш тарихи ҳақида сўз боради.

Калит сўз: «Кегей» дарахти, Жузимбағ, Шынықул Қалек ўғли, «Ийшан қала».

Қорақалпоқ сўзининг маъноси ҳақида қисқача малумот:

«Ҳарифнинг боши элифбедан бошланади, ўндан сўнг тарих. Энг дастлаб сўз ўрган, у сизни бутун дунё билан боғлайди. Кейин тарихни ўрган, у сенга ким яхши ва ким ёмон, ким ҳақ ва ким ноҳақ эканлигини кўрсатади». Бу ҳикматли сўзлар қадимий юнон файласуфларидан авлодларига мерос бўлиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг ғарбий қисмида, Ўрта Осиё бўйлаб жойлашган Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи туркий етник гуруҳлар «Қорақалпоқлар» деб номланади. «Қорақалпоқ» сўзи икки қисмдан иборат, «қора» маъносини билдирувчи қора «қорақалпоқ» маъносини англатади. Қорақалпоқлар дунё бўйлаб тахминан 820 мингтани ташкил этади, улардан қарийб 700 мингтаси Қорақалпоғистон Республикасида яшайди. Ушбу халқнинг муайян қисми эса Кегейли туманида яшайди.

Кегейли туманининг номини «Кегей» дарахти билан таққослаш:

Кегейли номининг келиб чиқиши унинг ҳудудидан ўтадиган Кегейли канали номи билан боғлиқ. Каналнинг иккала қирғоғи «Кегей» дарахтлари ва дарахтзорлар билан тўлдирилганлиги сабабли, бу туман "Кегейли" деб номланган. Бу юртнинг табиати жуда гўзал, аҳолиси меҳрибон, инсонпарвар ва ақлли бўлиши билан бирга жуда меҳнаткаш. Ўша пайтнинг ўзида ўғил болаларни тўғри йўл билан тарбиялаб, камолга етказган ҳақиқий қорақалпоқлар ҳисобланади. Сабаби меҳнатсеварлик ота-боболаримиздан мерос бўлиб, ҳаттоки ҳозирги замонда яшаб келаётган инсонларга ўрнак бўлиб келмоқда. Бу халқ ўтмишда деҳқончилик билан шуғулланган ва ўз ҳудудида



етиштирилган меваларни таниқли савдо марказларига етказиб бериш билан машхур еди. Шунинг учун ҳам, бу маконнинг номлари улар яратган маҳсулотларга атаб қўйилган.

"Жузимбағ" овули ва унга ҳисса қушган инсон ҳақида:

Айтайлик, "Жузимбағ" номининг асл келиб чиқиш моҳиятига эътибор қаратайлик.

«Жузимбағ» макони ёки ўз замонининг ишбилармон кишиларидан бири бўлган Шынықул Қалек ўғли (1870-1935 йиллар) тўғрисида.

Шынықул Қалек ўғли Кегейли ва Қуўанышжарма оралиғидаги дехқон оиласида дунёга келган. Ёшлигидан Нукус-Чимбой "рус йўли" бўйидаги Пиримбет баққолнинг дўконидида хизмат қилиб, четдан келган саккизта турдаги чет эл маҳсулотларини қабул қилиб олиш, озиқ-овқат, донларни (мош, жўхори, гуруч ва бошқалар) аравали ва кема орқали жўнатиш билан шуғулланган.

"Қум ўзак" ахун-ийшанларининг масжидида таълим олган. Шынықул баққол ҳисоб-китобларда ақл-заковатли бўлганлар. Хадича билан оила қуриб, ўз олдига дўкон очган ва донли экинлар экиб, дехқончилик билан шуғулланган. Ердан олган маҳсулотларини Бухоро савдогарларига «қўтара»га сотган ёки буюмга алмаштирган. Сўнга у таниш дўстлари ёрдамида узумгарчилик ишларига аралашган ва 1890 - 1908 йилларда унинг боғида узум етиштирилган.

Шундай қилиб «Жузимбағ» пайдо бўлган. Шундай вақтларда Ийшан қала ҳудуди билан қатор Қусхана этағидаги «Қырық садақ» овуллари ҳам узумгарчилик билан шуғулланган. «Жузимбағ»да етиштирилган мевалардан уша ердан ўтган карвонлар билан оддий йўловчилар фойдаланган. Шунингдек, Шынықул етиштирган маҳсулотлар билан орқадаги энг йирик савдо маркази бўлган Чимбой шаҳрига савдога чиқарилган. Чимбой бозорида уша даврда 376 дукон бўлиб, шундан бир нечаси – темир, истемол маҳсулотлари, аралаш нарсалар сотадиган дуконлари ишбилармонлиги "Он еки болыс" қорақалпоқ элида танилган Шынықулга тегишли бўлган. У фақат "орыс жол" бўйидаги ва Чимбой шаҳридаги дўконлари, чойхоналари билан чекланмасдан сиртқи савдога ҳам аралашган. Ўзи ўндирган «мош» маҳсулотларини Арал флотилияси орқали Уральск, Оренбургга олиб бориб савдо қилган. Савдогар ишбилармонлар билан танишиб, дўстлар орттирган. Ушбу даврларда мош Кегейлининг ўнг тарафида, Қалли жағыс бўйида кўп экилган, Кегейлининг чап томонида эса кўпроқ мойли экинлар экилган.

«Ийшан қала» маданий мерос комплекси:



«Ийшан қала» маданий мерос комплекси XVIII-XIX, XX асирларга тегишли бўлиб, Кегейли тумани “Жүзим бағ” овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Комплекс ҳозирги кунда зиёрат ўрни сифатида фойдаланилади. Нукус шаҳридан 22 км, туман марказидан 17,6 километр узоқда жойлашган. Умумий ер майдони 3 га.

Комплекс яхши сақланганлиги билан бугунги кунда жуда бебаҳо. Деярли ҳар куни туристлар оқими бу маданий меросни кўришга келмоқда.

Бугунги кунда туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар томонидан маданий мерос комплексини туризм манзилига айлантириш бўйича бир қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Хулоса: Бу тарихий ерларни ёш авлод сифатида авайлашимиз, уни туристлик ўринларга айлантириш, маданий мерос сифатида келажак авлодга етказиб бериш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Таниқли тарихчи олимлар Ғ.Хожаниязов, О.Юсуповларнинг "Кегейли" номли илимий мақоласи.
2. Есназар Усенов мақолаларидан.
3. Муратбай Нызанов «Кегейли» китоби, 2023 йил
4. Муратбай Нызанов «Қарақалпақлар» I, II III тўпламлари
5. А.Жүзимбетов «Диярымыз зиялылары» китоби